



МАҲКУМЛАРДАГИ КРИМИНОГЕН МОТИВАЦИЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЯПОНИЯ ҲАМДА БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Амонова Лобар Баҳодировна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17153017>

Жаҳоннинг 222 давлати орасида Япония Республикаси қамоққа ҳукм этилган маҳкумлар сони бўйича 204-ўринни эгаллаган ҳолда, ҳар 100 минг аҳолига 33 нафар маҳкум тўғри келади. Рақамлардан келиб чиққанда, мамлакатдаги умумий маҳкумлар сони 40 544 нафарни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич Япония пенитенциар тизимининг жиноятчиликка нисбатан қатъий, бироқ нисбатан кам сонли қамоқда сақлаш сиёсати юритилаётганидан далолат беради¹.

Шу билан бирга, Японияда маҳкумлар орасида рецидивистлар улуши 30 фоизни ташкил этса-да, айнан улар томонидан жиноятларнинг тахминан 60 фоизи содир этилиши қайд этилган. Бу ҳолат мамлакатда жиноят содир этган шахснинг жазони ўтаб бўлганидан сўнгги реинтеграция ва ресоциализация жараёнлари самарадорлиги борасида муайян тизимли муаммолар мавжудлигини англатади. Зеро, маҳкумдаги криминоген мотивациянинг етарли даражада сусайтирилмагани, унинг ички мотивацион тизимидаги жиноий йўналишларнинг бартараф этилмагани такрорий ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин².

Айрим япониялик ва халқаро ҳуқуқ Ҳимоячилари таъкидлаганидек, Япония қамоқхоналари жазони ижро этишда инсон ҳуқуқлари тамойилларига нисбатан нисбатан шафқатсиз муносабат ва ташқи назоратга йўпиқлик хусусиятлари билан ажралиб туради³. Бу эса қамоқхоналарнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги масаласини кун тартибига чиқаради. Маҳкумнинг шахсий қадр-қимматини тан олиш, унинг эҳтиёжларини англаш ва руҳий-ижтимоий ўзгаришини рағбатлантириш ўрнига, қаттиқ тартибот ва изоляция асосида шаклланган муҳит унинг шахсий мотивацион тизимини ислоҳ қилишга эмас, аксинча, криминоген мотивацияни мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин.

¹ World Prison Brief data. Japan. <https://www.prisonstudies.org/country/japan>.

² Прасол А.Ф. Криминальная ситуация и пенитенциарная система в современной Японии. https://nuis.repo.nii.ac.jp/kiyo_2019.02.04.pdf

³ Prison Conditions in Japan. <https://www.refworld.org/reference/countryrep/hrw/1995/en/21898>.





Бундай ҳолатларда, маҳкумнинг жазо давомида ички ўзгаришга бўлган эҳтиёжи инкор қилиниб, ундаги жамиятга нисбатан адоватли муносабатлар, ижтимоий институтларга ишончсизлик ва жиноий феъл-атвори рағбатлантирувчи психологик ҳимоя механизмлари шаклланиши хавфи юқори бўлади. Шу сабабли, Япония пенитенциар сиёсатидаги рецидивистлар улушининг юқорилиги – жазо сиёсатининг инсонпарвар ва реабилитацион йўналишларини кучайтириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Япония қамоқхоналаридаги жиноятчи шахс билан ишлаш тизимида мавжуд қатъий интизом ва назорат механизмлари пенитенциар назоратнинг таъсирчанлигини таъминлаши мумкин, бироқ бу жараён маҳкумлардаги криминоген мотивацияни ислоҳ қилиш, уларни жамиятга қайта ижтимоийлаштириш билан уйғунлаштирилмаган тақдирда, такрорий жиноятчилик хавфини кучайтиради. Мазкур ҳолат Япониянинг жазо ижроси тизимида стратегик қайта кўриб чиқишни, хусусан, реабилитация ва ресоциализацияни институционал даражада кучайтиришни талаб этади.

Буюк Британия пенитенциар тизими бошқарувнинг “аралаш юрисдикция” модели асосида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир ҳудуд – Англия, Уэльс, Шотландия, Шимолий Ирландия ва Ирландия Республикаси – ўзининг алоҳида турма хизматларига эга. Қироллик турма хизмати Англия ва Уэльс Адлия вазирлигига қарашли бўлиб, 123 та пенитенциар муассасани бошқаради. Шотландиядаги қамоқхоналар Шотландия ИИБ тасарруфига бўйсуниб, 15 муассаса фаолият юритади. Шимолий Ирландияда 3 та муассаса Адлия департаменти назоратида бўлса, Ирландия Республикасида 14 та муассаса Адлия ва Тенглик вазирлигига қарашлидир. Бу тизим Буюк Британияда регионал автономияни сақлаган ҳолда, ягона стратегик тамойиллар асосида фаолият юритадиган мувозанатли пенитенциар тузилма намунасидир⁴.

Қироллик турма хизматининг йиллик бюджети 2,3 миллиард фунт стерлингни ташкил этиб, тизимда 52 мингга яқин ходим фаолият олиб боради. Ҳар бир ходимга ўртача 2,9 нафар маҳкум тўғри келиши, маҳкумларнинг шахсий ва психо-социал ҳолати билан яқка тартибда ишлаш имкониятини яратади⁵. Бу эса улардаги криминоген мотивацияни аниқлаш, таҳлил қилиш ва мақсадли равишда тузатишга қаратилган

⁴ World Prison Brief data. United Kingdom: England & Wales. <https://www.prisonstudies.org/country/united-kingdom-england-wales>.

⁵ Prisons data. <https://data.justice.gov.uk/prisons>.





индивидуал ёндашувни амалга оширишда муҳим амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Британия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида қамоқдан қочиш учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ёндашув инсон озодликка интилишини табиий эҳтиёж сифатида тан олишга асосланган бўлиб, жиноят қилган шахсда ҳам инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги сақланиши лозим, деган тамойилга таянади. Бундай фалсафий ёндашув шахсни объект сифатида эмас, балки фаол ҳуқуқий субъект сифатида ислоҳ қилиш мақсадида қамоққа жойлаштириш ғоясига таянганини кўрсатади.

Буюк Британияда реабилитация борасида энг муваффақиятли амалиётлардан бири сифатида “тикловчи одил судлов” (restorative justice) дастурлари тан олинган⁶. Мазкур дастурларда маҳкум ва жабрланувчи ўртасида модератор иштирокида мулоқот ташкил этилади, жиноятнинг ижтимоий оқибатлари муҳокама қилиниб, жавобгарлик ҳиссини шакллантиришга урғу берилади. Айни пайтда, жабрланувчига моддий компенсация тўланиши ва руҳий ором берувчи муносабат шаклланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу дастурларда иштирок этган маҳкумлар орасида рецидивизм даражаси 27%га камайгани қайд этилган. Бундай усул криминоген мотивациянинг ислоҳ қилинишига, жамиятга нисбатан душманона муносабатлар ўрнини ҳамдардлик ва масъулият ҳисси билан алмаштиришга хизмат қилади.

Ресоциализациянинг яна бир муҳим механизми сифатида “менторлик институти” фаолият юритади. Бу жараёнда маҳкумни озодликдан сўнгги ҳаётга тайёрлаш мақсадида унга ижтимоий хизматчи ёки кўнгилли шахс бириктирилади. Ментор шахс орқали маҳкумнинг ижтимоий ролларини қайта шакллантириш, унинг мотивацион тизимида ижтимоий мақсадларга интилишни тиклашга эришилади.

Буюк Британияда маҳкумлар учун таълим ва касбий ривожланишга молиявий ёрдам кўрсатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Жумладан, давлат кредитлари ва “Education Trust” каби хайрия ташкилотлари масофавий таълим олиш имкониятига эга бўлмаган маҳкумларга грантлар ажратади. 2014 йилда Англия ва Уэльсда 6 мингдан зиёд маҳкум иштирок этган тадқиқот натижасида таълим курсларида қатнашганлар орасида рецидив эҳтимоли 7 фоизга камайгани аниқланган⁷.

⁶ The need for effective rehabilitation. <https://www.serco.com/uk/sector-expertise/justice/rehabilitation>.

⁷ Justice Data Lab Re-offending Analysis: Prisoners Education Trust Open University Grants. <https://assets.publishing.service.gov.uk/media/5a7bad5240f0b638d61be397/open-university-report.pdf>





Умуман, Буюк Британия пенитенциар тизимида жорий этилган инсонпарвар, маърифатпарвар ва тикловчи механизмлар маҳкум шахсдаги криминоген мотивацияни пасайтиришга, унда ижтимоий ёндашув асосида қайта ижтимоийлашиш қобилиятини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу тажриба рецидивизмни камайтириш ва жазони ижро этишни жамият манфаатлари билан уйғунлаштиришда муҳим илғор йўналиш сифатида ўрганилиши лозим.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Япония ва Буюк Британия тажрибалари маҳкумларда криминоген мотивацияни пасайтиришда турли ёндашувларни намоён этмоқда: Япония қатъий интизом ва изоляция асосидаги сиёсат билан рецидивизмни камайтиришда қийинчиликларга дуч келаётган бўлса, Буюк Британияда инсонпарвар ва маърифатпарвар йўналишлар — тикловчи одил судлов, менторлик институти, таълим ва касбий тайёргарлик дастурлари орқали маҳкумларнинг ижтимоий мослашувига эътибор қаратилмоқда. Бу эса, жазони ижро этиш сиёсатини инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масъулият ва реабилитация тамойиллари асосида ташкил этиш криминоген мотивацияни бартараф этишда энг самарали йўл эканини кўрсатади.

